O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

№26 (678)
2008 йил, 13 июнь, жума

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

adolat_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган







## ИСТИҚБОЛГА ЭЛТАР БУ ЙЎЛЛАР!

### ёки қадим Самарқанд харитасидаги янги, обод манзиллар хусусида

Одатда йўллар шаҳар моҳиятининг кўзгуси, иқтисодиётнинг эса ҳаётбахш ришталари ҳисобланади. Шу боис юрт равнақи йўлсозликдан, катта ва кичик йўлларга бир хил эътибордан бошланади.

Очиқ айтиш лозим, Самарқандда йўлсозлик соҳасида анчагина муаммолар тўпланиб қолган. Бу аҳолининг ҳақли эътирозларга сабаб бўлаётган эди. Бироқ, халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидан сўнг кўпгина соҳалар қатори йўлсозликда ҳам ижобий ўзгаришлар бошланди. Ҳозир Самарқанд шаҳрига туташ барча халқаро ва маҳаллий аҳамиятга молик йўллар қайта таъмирланмоқда, сайёҳлик харитасида эса янги автомагистраллар пайдо бўлмоқда.

"Самарқанд ободончилиги" йўл қурилиши идораси ана шу масъулиятли вазифани бажаришда ташаббускор бўлмоқда. Жамоанинг куч-ғайрати билан қисқа вақтда Самарқанд – Қарши автомагистралининг салмоқли қисми, шаҳардаги янги Мароқанд кўчаси, Спитамен шоҳкўчаси ва автошоҳ бекати, Даҳбед кўчаси сифатли таъмирланди ва қайта қурилди. Ҳозир эса йўлсозлар навбатдаги муҳим буюртмани уддалашга киришдилар. Аниқроғи, Тошкент – Олмаота – Бишкек – Термиз автомагистралининг Самарқанддан ўтувчи қисми тез-у, соз таъмирланмоқда. Тендер қиймати 2 миллиард 903 миллион сўмлик мазкур йўлнинг 5 километрлик масофаси август ойигача тўла фойдаланишга топширилади. Шуни назарда тутган жамоа вақтдан унумли фойдаланиш учун барча техника воситаларини ишга жалб этган. Халқаро автомагистрални жаҳон андозаларга мос тарзда таъмирлашда бош муҳандис Теша Жалолов, грейдерчи Латиф Аҳроров, асфальт ётқизувчи машинист Виктор Гербич ва бошқалар бор маҳоратларини ишга солмоқдалар. Корхонанинг ўз ишлаб чиқариш базасида тайёрланаётган асфальт қоришмаси ва бошқа зарур қурилиш ашёлари пешма-пеш етказиб берилмоқда. Барча техник жараёнлар эса мутахассис-экспертлар томонидан пухта назорат қилиб борилаётир. Мақсад – ўз аҳамиятига кўра халқаро ҳисобланган йўл янада равон бўлсин, олис манзилларни бир-бирига яқинлаштирсин, сайёҳлик ва тижорат ишларида Самарқанднинг нуфузини оламга ёйсин.

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
**"Адолат" мухбири.**

***

**Суратларда:** "Самарқанд ободончилиги" идорасининг тажрибали йўлсози В.Гербич; янги барпо этилган Мароқанд кўчаси; халқаро йўл таъмирлаш ишлари жадал давом этмоқда.

**Муаллиф олган суратлар.**

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**12 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раисининг ўринбосари Ш. Умарова "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Савол-жавоблардан кейин ҳужжат моддама-модда муҳокама қилинди. Муҳокама жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар Қонунчилик палатаси билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди ва уни учинчи ўқишда кўриб чиқишга киритиш учун маромига етказишни масъул қўмитага топширди.

"Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф.Ражабов тақдим этди. Моддама-модда муҳокама қилиш вақтида тушган таклифлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар Қонунни қабул қилдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф.Комилов "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди. Савол-жавоблар ва ҳужжатнинг ҳар бир моддаси батафсил муҳокама қилиниб, депутатлар айрим ҳуқуқий нормаларни янада такомиллаштиришга қаратилган фикр-мулоҳазалар билдирганларидан кейин Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси О.Охунованинг маърузаси юзасидан депутатлар "Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Бўлиб ўтган моддама-модда муҳокамадан кейин депутатлар киритилган тузатишларни инобатга олган ҳолда Қонунни қабул қилдилар.

"Миллий музей фонди ва музейлар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг аъзоси О.Исаев маъруза қилди. Ҳужжатнинг ҳар бир моддасини батафсил муҳокама қилиш пайтида депутатлар унинг қабул қилиниши миллий маданиятимизни янада ривожлантириш учун муҳим эканлигини таъкидладилар ва киритилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилдилар.

"Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А.Тўхташев тақдим этди. Муҳокама ўтказилганидан кейин Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

"Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 85-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақида ҳам Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А.Тўхташев маъруза қилди. Депутатлар муҳокама чоғида киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқулладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси С.Турсуновнинг маърузаси юзасидан депутатлар "Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида 2002 йил 7 июнда Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) имзоланган Минтақавий аксилтеррор тузулмаси тўғрисидаги Битимга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги Баённомани (Бишкек, 2007 йил 16 август) ратификация қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Депутатлар муҳокама пайтида киритилган таклифларни эшитиб ва муҳокама этиб, ҳужжатни маъқулладилар ва Қонунни қабул қилдилар.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг аъзоси С.Аҳмедова "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати ўртасида уюшган жиноятчилик, терроризм ва жиноятчиликнинг бошқа хавфли турларига қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Абу Даби, 2008 йил 17 март) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини депутатлар муҳокамасига тақдим этди. Савол-жавоблар ўтказилиб, тушган таклифлар батафсил муҳокама қилинганидан кейин Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

**(ЎзА)**

**Тошкентда 9-10 июнь кунлари замонавий демократик жамиятда оммавий ахборот воситалари эркинлигига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Уни Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Минтақавий сиёсат жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази билан ҳамкорликда ташкил этди.**

## ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЭРКИНЛИГИ – ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Конференцияда Буюк Британия, Германия, Миср, Исроил, Индонезия, Хитой, Қувайт, Малайзия, Польша, Жанубий Корея, Россия, АҚШ, Туркия, Украина, Франция, Япония каби жами 18 мамлакатдан эксперт, таҳлилчи ва журналистлар, шунингдек, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган қатор халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Конференцияда Европа, Осиё ва Америкадан кўплаб етакчи мутахассислар қатнашгани хорижий мамлакатлар жамоатчилигида Ўзбекистонда юз бераётган ижобий ўзгаришларга қизиқиш кучайиб бораётганидан ёрқин далолатдир. Икки кун давом этган анжуманда экспертлар демократик жамият барпо этиш шароитида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалаларни муҳокама қилдилар. Жумладан, мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилишнинг ғоят муҳим шарти бўлган оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш, эркин фикр билдириш ва ахборот олиш эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари фаолиятига умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва демократик андозаларни жорий этиш масалалари ҳамда жамиятни демократик янгилаш жараёнида устувор аҳамият касб этадиган ахборот соҳасини эркинлаштиришнинг бошқа жиҳатлари ҳақида сўз юритилди.

«Ушбу конференция Ўзбекистонда ўтказилаётган ғоят хайрли тадбирларнинг муқаддимасидир. Унда кўтарилган мавзу ЕХҲТга аъзо 56 мамлакатнинг барчаси, жумладан, Марказий Осиё давлатлари учун ҳам жуда муҳимдир», — деди Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича вакили Миклош Харашти анжуманнинг очилишида. Унинг фикрича, «ушбу конференция Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш, демократлаштириш ва монополиядан чиқариш йўлидан изчил бораётганидан далолатдир».

Анжуманда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари Президент Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг ғоят муҳим устувор йўналишига айлангани таъкидланди. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин қўшилган биринчи халқаро ҳужжат Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бўлди. Ушбу декларация қоидалари инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, жумладан, ахборот олиш ва ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқи ишончли ҳимоя қилинишини кафолатлайдиган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий қонунчилигида ўз ифодасини топган. Конференция иштирокчиларининг фикрича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони бу йўналишдаги яна бир муҳим қадам бўлди. Дастурда эркин оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар алоҳида ўрин тутади. Қайд этилганидек, жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатида ушбу муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжатга, уни аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш масаласига бу қадар катта эътибор берилаётгани йўқ.

(Давоми 2-бетда).

Жамият ва ҳуқуқ

## УЛУҒ МАҚСАДЛАР САРИ

***XX асрнинг ўрталарида кўпгина давлатларда фуқароларга нисбатан инсоний муносабатларнинг бузилиши авж олгани Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг диққат-эътиборидан четда қолмади. Инсон қадр-қиммати ҳамда унинг ҳақ-ҳуқуқлари тан олиниши зарурлигини, ҳар бир кишининг сўз ва маслак эркинлиги соҳиби бўлиб, қўрқув ва муҳтожликдан холи яшашини таъминлаш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрь куни "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси" қабул қилинди. Бу йил шу қутлуғ санага 60 йил тўлмоқда.***

Мазкур Декларация инсон ҳуқуқлари ва уни ҳимоя қилишга доир халқаро ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, инсониятнинг тарихий тақдирида, давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатида, халқаро ташкилотлар фаолиятида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Ундаги қоидалар, тамойиллар мазмун-моҳиятига кўра, мукаммал ишланган ҳуқуқий меъёрларнинг умумлашган ифодаси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси – инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини белгиловчи муҳим тарихий ҳужжат сифатида бутун дунё халқларининг том маънодаги бирлашган Конституциясига айланган.

(Давоми 3-бетда).

## ПИЛЛАКОРЛАРИМИЗ ЗАФАРИ

***Мамлакатимиз пиллакорлари қарийб 23,5 минг тонна пилла тайёрлаб, йиллик шартнома мажбуриятини адо этдилар. Бу ўтган йилдагига нисбатан икки минг тонна кўпдир.***

Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалигида ҳам амалга оширилаётган кенг кўламлиислоҳотлар ўз самараларини бермоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 15 ноябрда қабул қилинган "Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори пиллачиликни ривожлантиришда муҳим омил бўлаётир.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, бу йилги мавсумда пиллакорларимиз 445 минг 687 қути ипак куртини парваришлаб, ҳар биридан ўртача 53 килограммдан ҳосил олган. Етиштирилган пилланинг асосий қисми юқори навларда сотилган.

Уюлган юксак пилла хирмонининг деярли барчаси фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келганини алоҳида таъкидламоқ лозим. Жумладан, Самарқанд вилоятининг Жомбой туманидаги «Илғор ҳақиқат» фермер хўжалигида 17 қутининг ҳар биридан ўртача 80 килограммдан, Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги "Карим Раҳмон" фермер хўжалигида 13 қути курт уруғининг ҳар биридан ўртача 62 килограммдан ошириб «кумуш тола» олинди.

Жорий йилнинг баҳорида тутзорлар 2,6 минг гектарга кенгайтирилиб, умумий майдони 56 минг гектарга етказилгани, пиллакорлар учун барча зарур шарт-шароит яратилгани эришилган ғалаба учун мустаҳкам замин яратди.

**(ЎзА)**

Парламент ҳаёти

## ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАДА

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.***

Фракция йиғилишида "Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳалари иккинчи ўқишда, "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 85-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳалари биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Мазкур масалалар юзасидан қуйи палатанинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси А. Тўхташев маъруза қилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда этил спирти ҳамда алкоголли маҳсулотларни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ва сотишнинг олдини олиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамай, ҳануз бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва контрабанда йўли билан юртимизга олиб кириш ҳолатлари кузатиляпти. "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси бундай нохуш ҳолатларни бартараф этиш йўлида амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилмоқда.

Маълумки, ЖКнинг 186/1-моддасида этил спирти, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини қонунбузарлик йўли билан ишлаб чиқарганлик ва муомалага киритганлик учун, миқдоридан қатъи назар, жиноий жавобгарлик белгиланган. Бундан ташқари, ушбу модданинг 1-қисмида ижтимоий хавфлилик даражасидан қатъи назар, ушбу турдаги барча қонунбузарликлар учун энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз баравари миқдорида жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазо чораси назарда тутилган эди.

(Давоми 2-бетда).

